Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1997 йил 1 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 84 (6980)

Da'vat

Ақлли бўлишнинг ўзи кифоя эмас, ақлни ишлата билиш керак.

Цицерон.

Ibrat

Нишон туманидаги 23-ўрта мактабда аъločи ўқувчилар учун 100 сумдан 28 та стипендия таъсис этилди.

Унинг ярмини мактаб (ўзининг 2 гектар ер майдонидан тушган даромад ҳисобидан), қолган ярмини эса оталиқ ташкилот — тумандаги 1-жамоа хўжалик маъмурияти таъсис этишган.

O'zbekiston — Vengriya

САМАРАЛИ ТАШРИФ

Шу кунларда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов таклифига биноан расмий ташриф буюрган Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнцнинг Ўзбекистонга сафари давом этмоқда. Бўлиб ўтаётган турли доиралардаги учрашувлар, музокаралар ва ўзаро ҳамкорликка хизмат қилувчи ҳужжатларнинг имзоланганлиги иккала мамлакат ўртасидаги дўстона алоқаларнинг янада янги поғоналарга кўтарилаётганлигидан дарак бериб турибди.

Иккала мамлакат Президентларининг яккама-якка суҳбатида жаҳон сиёсатидаги долзарб масалалар, дунёвий муаммолар — халқаро терроризм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, минтақавий хавфсизлик, сайёравий миқёсда тинчлик ва барқарорлик хусусида, Марказий Осиё, Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларида бўлаётган воқеалар юзасидан фикр алмашдилар. Бу ташриф аҳамияти ва самараси борасида Ислом Каримов ҳамда Арпад Гёнц ўз фикр ва мақсадларини баён этишди. Венгрия Президенти мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовни ўз мамлакатига ташриф буюришини таклиф этди. Бу таклиф давлатимиз раҳбари томонидан мамнунлик билан қабул қилинди.

Президентлар иштирокида Ўзбекистон ва Венгрия расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бўлиб ўтди. Унда Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Венгрия Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик ва дўстона муносабатларни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Декларацияни имзоладилар. Шунингдек, икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида дипломатик паспортга эга бўлган фуқароларнинг ўзаро визасиз сафари тартиблари тўғрисидаги Битим, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Венгриянинг саноат, савдо ва сайёҳлик вазирлиги ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари учун бўлиб ўтган матбуот анжуманида иккала мамлакат Президентлари яккама-якка суҳбат чоғида ҳамда музокараларда кўриб чиқилган масалалар бўйича ҳар икки давлатнинг нуқтаи назари яқин ва ўхшаш эканлиги намоён бўлганлигини айтишди.

Сўнгги пайтларда Тожикистонда бўлаётган турли ички тўқнашувларда гўёки Ўзбекистоннинг ҳам алоқаси борлиги ҳақида кўплаб миш-мишлар ва уйдирмалар тарқатилмоқда. Бу каби тўҳматларга ойдинлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Баёнот берди. Матбуот анжуманида Ислом Каримов ҳам сўнгги кунларда Тожикистонда юз бераётган воқеалар ва улар хусусидаги гапларга тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Тожикистонда содир бўлаётган воқеалар — ушбу мамлакатнинг ички иши. Бироқ, сўнгги вақтда Россия оммавий ахборот воситаларида Тожикистондаги тартибсизликлар, хусусан, икки мамлакат чегараси яқинидаги можаролар Ўзбекистон томонидан рағбатлантирилади, деган фикрлар кўп айтиляпти. Бу чиқишларнинг қай мақсадда ва ким томонидан амалга оширилаётгани барчага маълум. Айрим сиёсий кучлар Марказий Осиёдаги шусиз ҳам мураккаб вазиятни издан чиқариш, минтақада кескинликни оширишни кўзлаб шундай йўл тутаётгани сир эмас.

Айрим мамлакатларда мавжуд ички муаммолардан, ҳокимият учун кураш ўйинларидан кенг жамоатчилик кўзини шамғалат қилиш учун мана шундай бўҳтонлар, сиёсий найранглар ўйлаб тонилаётир. Вақоланки, нима бўлса-да, ўзбек тожикка, тожик эса ўзбекка ҳеч қачон қарши бормайди. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, икки миллатни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш йўлидаги ғаразли мақсадлар ҳеч қачон самара бермайди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов Афғонистонда кечаётган воқеаларга ҳам тўхталди. Жумладан, Президентимиз «Толибон» ҳаракатининг жаҳоннинг учгина мамлакати томонидан расмий ҳукумат сифатида тан олинганлиги, натижада ташқи олам-дан ажралиб қолганлиги, бу ҳол ҳаракат раҳбарларининг музокараларга розилик беришига мажбур бўлишини таъкидлади.

Венгрия Президенти А.Гёнц ўзининг Ўзбекистонга ташрифи самарали бўлаётганлиги, давлат ва ҳукумат доирасида имзоланган ҳужжатлардан ташқари иккала мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги узаро ҳамкорлик Ўзбекистон — Венгрия алоқаларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилажагини алоҳида қайд этди.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб беришди.

Куннинг иккинчи ярмида Венгрия Президенти В.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига бориб, бирлашма фаолияти билан танишди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ташриф буюриб, Олий Мажлис Раиси Э.Халилов билан учрашди. Шунингдек, Венгрия Республикаси Президенти Темурийлар тарихи музейида бўлиб, Соҳибқирон Амир Темур ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонат билан яқиндан танишди.

***

31 октябр куни «Дўрмон» қарорғоҳида бўлиб ўтган расмий кузатиш маросимидан сўнг Венгрия Республикаси Президенти Арпад Гёнц Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Уткир Султонов ҳамроҳлигида Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюриб, улуғ бобокалонимиз, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйди.

Шу куни Венгрия Президенти Арпад Гёнц Бош вазир У. Султонов ҳамроҳлигида қадимий Самарқанд шаҳрида бўлишиб, тарихий обидалар ва музейлар билан танишди.

Шу куни Венгрия Президенти А. Гёнц ва унга ҳамроҳлик қилаётган делегация аъзолари Бухорога ҳам ташриф буюриб, яқинда 2500 йиллик тўйини кенг миқёсда нишонлаган қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари ва бошқа диққатга сазовор жойлари билан яқиндан танишдилар.

Венгрия Республикаси Президенти А. Гёнцнинг мамлакатимизга ташрифи бугун ниҳоясига етади.

● «Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони чиқди.

● «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши чиқди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Азимжон Исмоилович Муҳиддинов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинланди.

JUMLADA JAHON

● Ўзбекистон Республикасининг Қонуни — Ўзбекистон Республикасининг хўжалик процессуал кодекси «Халқ сўзи» (1997 йил 31 октябрь сони) газетасида эълон қилинди.

● Амалдаги йилги МДҲ давлатлари ўртасидаги натижаларга кўра Қирғизистонда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш сезиларли равишда ошиб, 41 фоизни ташкил этган бўлса, Россиянинг бу борадаги кўрсаткичи 1,5 фоиздан иборат бўлди.

● Ноябрь ойининг бошида Красноярск шаҳрида бўлиб ўтиши мўлжалланаётган Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг Япония Бош вазири Хасимото билан учрашувида иккала мамлакат муносабатлари ҳамда Узоқ Шарқни ривожлантириш борасида ҳамкорлик масалалари муҳокама этилиши кутилмоқда.

● Баъзи масалаларда АҚШ ва Хитой мамлакатлари қарашлари турлича бўлишига қарамай Хитой раҳбарининг АҚШга расмий ташрифи давомида ўзаро савдо-содиқ бўйича алоқаларнинг ҳажми кенгайишига тааллуқли ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ

Мамлакатимизда йўлбошчимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда. Жамиятимиз ривожланишининг, иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳозирги босқичида маънавий жиҳатдан мукаммал инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни воя етказиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолди. Шу боис, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессияси асосан ана шу масалаларга бағишлангани ҳам бежиз эмас. Президентимизнинг мазкур сессиядаги нутқида бу борадаги вазифалар аниқ ва равшан баён этиб берилди. Олий Мажлис «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини қабул қилди. Жуда катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу Қонун ва Дастурда фуқароларга таълим-тарбия бериш, касб ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асослари, кадрлар тайёрлаш миллий моделини руёбга чиқаришнинг асосий тамойиллари белгилаб берилди.

Республикамизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган ушбу ҳужжатларнинг мазмунмоҳиятини теран ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш шу куннинг долзарб вазифаларидан биридир. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Баркамол авлод — Узбекистон тараққиётининг пойдевори» сарлавҳаси остида чоп этган китоб ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Ўзбек, инглиз ва рус тилларида кўп нусхада чиқарилган бу китобдан Президентимизнинг Олий Мажлис IX сессиясида сўзлаган нутқи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқа ҳужжатлар ўрин олган. Китоб нафақат соҳа ходимлари, кенг жамоатчилигимиз, балки Ўзбекистон таълим тизимини такомиллаштириш миллий моделини ўрганувчи хорижликлар учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

(ЎзА).

Seminar

ҲУҚУҚ ВА ЎҚУВЧИ

Республика Таълим марказида бўлиб ўтган уч кунлик семинар «Ўрта мактабларда ҳуқуқий таълим» мавзуига бағишланди. Унга Ўзбекистон Очиқ жамиятлар институти Сорос жамғармаси ҳомийлик қилди. Барча вилоятлардан услубчи-ўқитувчилар семинарга таклиф этилди. «Фуқароларнинг ҳуқуқий таълими» мавзуида америкалик меҳмон Фелиса Тиббитс ўз мулоҳазаларини баён этди. Таслимур Раҳмон эса инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги БМТнинг режалари билан таништирди.

Инсон ҳуқуқлари миллий маркази директори Акмал Саидов бу борада қилинажак ишлар тўғрисида гапирди: «Ўқитувчилар, хусусан, ҳуқуқни пухта биладиган педагоглар ниҳоятда зарур. Бугун ўрта мактабларда 10 миллионга яқин ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг ҳуқуқий билимларини пухта эгаллаши эртанги кунда ишимизни осонлаштиради. Ҳуқуқий тарбияни кучайтириш учун кучларни бирлаштириш, ҳуқуқшуносларни мактабга жалб этиш керак.

Ҳуқуқий маълумотга эга бўлган ўқитувчилар жуда озчиликни ташкил этади. Демак, ҳуқуқшунос-педагоглар тайёрлашга эътибор бериш биринчи галдаги вазифамиздир. Ўзбек тилида инсон ҳуқуқларига доир адабиётларни чоп этиш, кўргазмали қуроллардан фойдаланишимиз керак».

Ўқувчига ўғрилик қилма, деймиз. Бировга ёмонлик тилама деймиз. Ундан кўра ўғриликнинг, бировга ёмонлик қилишнинг бошга кулфат келтиришини асослаб, тушунтириб бериш керак.

Яқинда поездда бир кишига ҳамроҳ бўлдим. Тарих ўқитувчиси экан. Суҳбатлашиб ўтириб, ўзи раҳбар бўлган синфда Ички ишлар матбуот марказининг хабарларини ўқиб, муҳокама қилишни ташкил этганини гапириб берди.

— Ўқувчига қинғир ишнинг оқибати тушунтирилиши керак, — деди ўша домла. — Минг шукр, шогирдларимдан биронтаси ўғрилик қилгани ёки қамалгани йўқ. Мен ўқувчимга ҳуқуқ илмини тўла ўргата олмасам-да, тўғриликни ўргатдим.

Ўша домлага ҳавасим келди. Бундай семинарлар жудаям зарур. Лекин ҳамма гап болалар билан юзма-юз бўлиб, уларга билим берадиган сабрли-матонатли ўқитувчида.

— Инсон ҳуқуқлари, — деб ёзган эди Денвер университети Халқаро тадқиқотлар коллежининг профессори Жек Донелли, — айнан талқин этганда, бирон инсон фақат инсон бўлгани учунгина эга бўлган ҳуқуқлардир.

Семинарда ҳуқуқ илмини ўқувчиларга етказишнинг энг маъқул йўллари қидирилди. Турли фикр ва тажрибалар муҳокама қилинди. Энди ҳамма гап семинар давомида ўртага ташланган мулоҳаза ва хулосаларни ўқитувчиларга етказишда. Бу эса вилоятлардан келган иштирокчиларнинг тажрибаси ва маҳоратига боғлиқ.

Раҳмон АЛИ.

Tanlov

«БАРДОШ»ГА БИРИНЧИ ЎРИН

Эсингизда бўлса, шу йилнинг июнь ойида Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан «Муаллим — қалб меъмори» мавзуидаги публицистик асарлар танлови эълон қилинганлиги ҳақида хабар бергандик. Ўтган давр мобайнида бу танловда 40 дан ортиқ ижодкор ўқитувчилар, журналистлар ўз мақолалари, очерклари ва лавҳалари билан иштирок этишди. Асосан, ўқитувчилик касби заҳмати ва аҳамияти, уларнинг сермазмун ҳаёт йўллари тараннум этилган бу асарларнинг ҳар бири ўзига хос талқини ва бадиийлиги билан ажралиб туради.

Ушбу танловга тавсия этилган Абдумутал Абдуллаевнинг «Бардош» («Маърифат», 1997 й., 3 сентябрь, 68-сон) номли очеркида ярим аср давомида бир мактабда ишлаган, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, 85 ёшли Хосият буви Болтабоева ҳақида ҳикоя қилинади. Уни ўқиб киши шундай хулосага келадики, Хосият бувининг ҳаёт йўли нафақат ёш педагогларга ибрат, балки ўзи иноніб танлаган касбнинг ҳар бир эгаси учун ҳам намуна мактаби бўла олади. Шу каби бошқа жиҳатлари ҳам эътиборга олиниб, ушбу очерк биринчи ўрин (10 000 сўм мукофот)га муносиб деб топилди. Танлов ғолиблари — Нурмуҳаммад Ватаниёр, Ҳ. Саидов, М. Раҳмонов, С. Абдураҳимов, Т. Отахонов ҳам танлов Низомига кўра мукофотландилар.

Мухбиримиз.

Anjuman

ОДОБ ВА АХЛОҚ ИЛМИ МУАММОЛАРИ

Донишмандлар фикрига кўра, фозил ва комил инсон бўлиш учун 12 та фазилат муҳим, 41 та бўлса нур устига нур. Аммо мактабгача тарбия муассасаларида, илм масканларида таълим олаётган ўғил-қизларда ўзаро ҳурмат, садоқатлилик, камтарлик, мардлик, чидамлилик, назокат ва иффат сингари фазилатлар мужассамлашаётирми? Улар фан машғулотларида, тарбиявий соатларда устозлар сабоғию ўгитини уқиб олишаётирми? «Одобнома» фани ўқитилиши талаб даражасидами ё бу фандан болаларга дуч келган фан муаллими таълим бераётирми? Дарсликлар ёзилиш савияси ўқитувчиларни қониқтиряптими? Ўқувчиларга мукаммал тарбия бериш учун яна қандай юмушларни амалга ошириш лозим бўлади. Куни кеча Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 273-мактаб-лицейда бўлиб ўтган «Одоб ва ахлоқ асослари» («Этика») фа-

(Давоми 2-бетда).

КИМЁВИЙ ЎЙИН 2-БЕТ.

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ 3-БЕТ.

ВАТАННИ ЎРГАНИШ 4-БЕТ.

ОБУНА—98

Азиз тарбиячилар, муаллимлар, зиёлилар!

Таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами Сизни шунга яраша ахборотга эга бўлишингизни, таълимнинг кундалик юрак уришидан бохабар бўлишингизни тақозо этади.

Сизга бу борада кўмак беришни, янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизга мадад бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган

«Маърифат» газетасига келаси — 1998 йил учун обуна бошланиб кетди.

Нашр индексимиз:

Якка обуначилар учун — 149.

Ташкилотлар учун — 150.

MMM ХАБАРЛАРИ

ЯНГИ АСАРНИНГ ЯНГИЧА ҚИРРАЛАРИ

Яқинда Тошкент вилояти Давлат педагогика институтида Узбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бусағасида: хавфсизликка таҳдид ва тараққиёт кафолатлари» асарининг муҳим аҳамияти ва уни талабаларга чуқур ўргатишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар, талабалар бу асар давр билан ҳамнафас бўлиб яшаётган барча инсонлар учун энг зарур дастуриламал бўлишини айтишди.

Бу китоб ҳар биримизнинг бурчимизни виждонан бажаришга ва сўз бирлигига амал қилишга, Ватан фидойи фарзандлари бўлишга чорлайди, деган хулосага келинди.

Лола ЖЎРАЕВА

SHOHOBOD G'UNCHALARI

Xalqimiz azaldan san'atga shaydo. Shu sababli sah'atni ardoqlagan inson elini ham ardoqlagan bo'ladi.

Buni yaxshi his qilgan Shovot tumani xalq ta'limi bo'limi mudiri Shuhrat Yusupov tashabbus ko'rsatib «Shohobod g'unchalari» deb nomlangan badiiy havaskorlik dastasini tashkil etdi. Unga rahbar qilib tuman XTB uslubchisi O'ktam Pirmatov tayinlandi va dastaga tuman maktablaridan 40 nafar iste'dodli san'atkor yoshlar jalb qilindi.

Ayni kunlarda esa dasta o'z konsert dasturlari namoyishi bilan aholiga manzur bo'lmoqda.

G'. YOQUBOV.

ҲАМ РАҲБАР, ҲАМ ИЖОДКОР

Термиз шаҳридаги Ғафур Ғулом номидаги вилоят болалар кутубхонасида атоқли давлат арбоби ва ёзувчи Шароф Рашидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланиб китобхонлар конференцияси утказилди. У кутубхона жамоаси ва шаҳардаги М. Улуғбек номидаги мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари иштирокида утди. Мактабнинг узбек тили ва адабиёти ўқитувчиси М. Бердиева ва ўқувчилар М. Очилова, Ф. Мирзаевалар Ш. Рашидовнинг ҳаёти ва ижоди, республикамиз раҳбари сифатидаги хизматлари тўғрисида қизиқарли маълумотномаларни сўзлаб бердилар.

Ўқувчилар томонидан адибнинг «Кашмир қушиғи» асари асосида намойиш этилган саҳна кўринишлари, ҳамда куй-қўшиқ, рақслардан тузилган концерт дастури конференция иштирокчиларига кутаринки кайфият бағишлади.

Садбархон ЖЎРАЕВА.

MMM ХАБАРЛАРИ

ОДОБ ВА АХЛОҚ ИЛМИ МУАММОЛАРИ

(Боши 1-бетда).

ни ўқитилишини такомиллаштириш — давр талаби» мавзуидаги республика семинар-кенгашида ана шу каби муаммолар атрофлича таҳлил қилинди.

Сирасини айтганда, анжуман Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳамда «Таълим тўғрисида»ги Қонунни бажариш йўлидаги амалий қадамлардан биридир. Негаки, яхши тарбия олган инсонгина илмнинг нечоғли куч-қудратга эга эканлигини англаб етади ва унга ҳамиша интилади. Узбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг биринчи муовини Йўлдош Саиджонов шулар ҳақида сўзлаб, бугунги долзарб мавзу бўйича вилоятлардан ташриф буюрган мутасадди раҳбарлар, амалиётчилар, етакчи олимлар ва муаллимлар фикрлари билан ҳам қизиқди. Йиғилганлар эътиборини «Одобнома» фанини дунё тажрибалари асосида қандай ўтишимиз керак?», «Машғулотларни қайси услубда ташкил этганимиз маъқул» мазмунидаги қатор саволлар тўғрисида ҳам мушоҳада юритишларини сўради.

БИР СОАТЛИК ДАРС

Анжуман иштирокчилари учун бу каби саволларга жавоб топишдан олдин очиқ дарслар ташкил этилди. Биз ҳам меҳмонлар билан биргаликда шу мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Юлдузхон Шоафзалованинг 1-«Б» синфидаги бир соатлик «Одобнома» дарсини кузатдик. Одатдагидек, синфда йўқлама қилингач, уй вазифаси сўралди.

Янги мавзу «Ватанни севиш одоби»га бағишланди. Дарснинг таълимий, тарбиявий мақсади давлатимиз рамзларига қаратилди. Байроқ, герб ва мадҳия ҳақидаги дарс мулоқот усулида олиб борилди. Ўқитувчи суҳбат асносида ўқувчиларнинг давлат рамзлари тўғрисидаги тушунчаларини мустаҳкамлаб борди.

Машғулот жараёнида ўқувчилар учун «дам олиш бекатлари» ташкил этилди, яъни жисмоний машқлар бажартирилди...

Дарсда Узбекистон мадҳияси янграб, руҳларимиз ҳаволанди, қалбларимиз ғурурга тўлди. Сўнгра ўқитувчи ўғил-қизлардан мадҳиядаги сўзлар маъносини, шунингдек, Конституция ҳақида нималар билишини сўради. Очиғи, улар бу саволларга унчалик тайёр эмасдек туюлди бизга. Чунки жажжи ўғил-қизлар болалик дея аталмиш «гулшан»дан ҳали чиқиб улгурганларича йўқ. Зеро, Ватан туйғуси муқаддас, ҳар нарсадан улуғдир. Шу улуғликни болага ўзидай беғубор, самимий ва содда қилиб сингдириш йўлларини излаш лозимдир балким. Ўқитувчи ижодкорлиги ҳам ва унинг самараси — ўзига хос фикрловчи шахс яратишга интилиш ҳам шунда намоён бўлади.

Иккинчи машғулот — фидойи муаллима Мапура Усмонованинг 6-«А» синфдаги «Одобнома» дарсидаги ўзига хослик ўқувчиларнинг фаоллигини оширишда ҳамда илм ўргатиш баробарида болаларга одоб-ахлоқ ҳақида тушунчалар бериш тажрибасида кўринди.

МЎЪЖИЗАНИ МУАЛЛИМ ЯРАТАДИ

Муҳокамалар давра суҳбати тариқасида ўтказилди. Унда республика Таълим маркази директори, профессор Ғайрат Шоумаров, Низомий номидаги ТДПИ профессори Ойшахон Тўраева, педагогика фанлари номзади Ойшахон Ҳасанбоева, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази бўлим бошлиғи Турсуной Содиқова, Фарғона вилояти ХТБ бошлиғи, педагогика фанлари номзоди Турсунали Қурбонов, РТМ мактабгача таълим бўлими бош методисти Насибахон Ҳакимова ва бошқалар фаол иштирок этишди.

Баҳс, мунозараларда муомала маданияти, дарсликларни миллийликка боғлаш, ўқитувчи одоби ва ижодкорлиги, боғчани, мактабни оилага яқинлаштириш каби фикрлар устиворлик қилиб турди. Муаммолар ечими, барибир, дарсликлар савиясига, ўқитувчи маҳоратига боғлиқлиги аён бўлиб қолди. Очиғини айтганда, муаллимга боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам борки, буларни тилга олинмасдан иложи йўқ. Айни замонда дарс ва машғулотларда қўллаш учун аудио ҳамда видео кассеталар, рангли суратлар, қўргазмали қуроллар, саралаб ёзилган одоб мавзуидаги ашулалар, маърузалар тўплами жуда-жуда зарур. Қўргазмали қуролсиз, замонавий жиҳозларсиз ўтилган дарс эса ўқувчида ҳайрат уйғота олмайди.

Анжуманда алоҳида таъкидланганидек, жойлардаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, кези келганда, муаллимларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб бориш жоиз. Шунингдек, фан ўқитувчиларини жой-жойига қўйиш, «Одобнома» фанига обрули, тажрибали ўқитувчиларни жалб этиш, мазкур фан муаллимлари учун мақсадли курслар ташкил этиш шу куннинг долзарб вазифаларидир.

Анжуманда иштирокчилар томонидан қатор истак, таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Мутасадди раҳбарларга тегишли кўрсатмалар берилди, келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.



Ўқитувчи ва ўқувчини бир-бирига боғлайдиган кўприк бу икки сўз ўртасидаги «ва» сўзи эмас. Ўқувчини ўқитувчига талпинтирадиган, сабоқларини мурғак қалбларга жо эттирадиган нарса бу энг аввало меҳр, устознинг шогирдга бўлган меҳри, ўз касбига муҳаббати, бу йўлдаги интилишлари, изланишлари ва фан сирларини жажжи қалбга етказиш маҳоратини қай даражада эгаллаганлигида.

Паркент туманидаги 27-мактабда ана шундай устозлар талайгина. Бошланғич синф ўқитувчилари Ў.Қурбонова, Т.Нодирова ва А.Холтоеваларнинг ҳар бир соат ўтган дарси ўқувчилар учун янги бир олам кашф этгандек завқлидир.

Бу мактабда ота-оналар билан ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам кичкинтойлар кўнглига йўл топишда қўл келаётир.

Суратларда: Паркент туманидаги 27-мактаб ўқитувчилари иш пайтида.

Р.АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Япония Бош вазири Хасимото бундан уч йил муқаддам тайёрланган Россияга ёрдам дастурни қайта кўриб чиқди ва қўшимча киритди. Хасимото бу дастур ҳақида Ельцин билан Красноярскда бўладиган учрашувда маълум қилишини айтди.

Канада халқаро радиоси. (Оттава).

* * *

Хитой Президенти Жан Земин Президент Клинтон олий даражадаги учрашув ўтганидан кейин, бугун Вашингтон сафарини тугатишга тайёргарлик кўрмоқда.

* * *

Франция Бош вазири Леония Жоспин савдо ва иқтисодий ҳамкорликни оширишга қаратилган уч кунлик сафари бўйича Москвага борган. Билдирилишича, Бош вазир Жоспин Москвага қилинаётган сафари асосида самолёт ишлаб чиқариш, атом энергияси, қишлоқ хўжалиги ва медицина соҳаларида ҳамкорлик қилиш масалалари ҳам кўрилади.

* * *

Исроил ҳукуматининг билдиришича, ташқи ишлар вазири Девид Леви фаластинлик расмий кишилар билан сўзлашувларда бўлиш мақсадида бу ҳафта Вашингтонга келиши кутилади.

* * *

Жанубий Корея ярим оролида тинчлик барпо этиш йўлида ташаббус олиб боришга қаратилган келишувга АҚШ ва Хитой қўл қўйганлигини мақтаган.

«Америка овози» радиоси. (Вашингтон)

* * *

Норвегияда бўлиб ўтган болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши халқаро конференцияда болалар меҳнатидан фойдаланишга қарши ҳаракат барномаси ишлаб чиқилди. Болаларни қулларча ишлатишга қарши ҳаракат барномаси келишувини қирқ мамлакат қўллаб-қувватлади. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирда 250 миллиондан ортиқ мактаб ёшидаги бола турли мамлакатларда иш билан банд экан.

* * *

Озарбайжон собиқ Президенти Абдулфайз Элчибей Нахичивандан Бокуга тўрт йилдан сўнг қайтиб келди. Халқ фронти раҳбарининг таъкидлашича, жаноб Элчибей кейинги йилда бўладиган Президентлик учун сайловларда ўз номзодлигини қўймоқчи.

«ВВС» радиоси. (Лондон).

Maktablar hayotidan

МАЪРИФАТ БАЙРАМИ

Бугун 1 ноябрь. Ким учун оддий дам олиш кунларидан бири. Кимлардир мактабда, ким далада. Тошкент шаҳар Яккасарой туманидаги Шоўлат Абдуллаев номидаги 73-ўрта мактабда эса катта байрам. Бугун маърифат маскани, илм маскани ўзининг табаррук 60 ёшини нишонламоқда. Байрамнинг қувончи, савоби жамоанинг дийдорлашувида, жонажон дўстларнинг учрашувида.

Мактаб байрам баҳона келин тушадиган уйдек безатилган. Тўй баҳона Навоий шаҳар тоғ-металлургия комбинати ўқув даргоҳига бир ярим миллион сўм ажратди. Иситиш тармоқлари янгиланди. Туман ҳокимияти, халқ таълими бўлими ҳам имкон қадар ёрдам бердилар.

Байрам арафасида мактабга ташриф буюрганимизда ўқувчилар, ўқитувчилар, мактаб жамоаси — мезбонлар меҳмон кутиш тараддудида экан.

— Мактабнинг биринчи қалдирғочлари — илк бора шу ерда таълим олган ўқувчиларни ҳам таклиф этдиларингми? — деб сўрадим мактаб директори Лутфия Саидовадан.

— Албатта, уларсиз байрам байрамми, — деди жилмайиб Лутфия опа. — Улар ҳар йили биринчи қўнғироқда ҳам, сўнгги қўнғироқда ҳам биз билан бирга. Мактабимизда таҳсил олган академик Пўлат Ҳабибуллаев, техника фанлари доктори, профессор Анвар Жўраев, турли олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган фан номзодлари билан ўқувчиларимизнинг учрашуви бўлади. Нафақат бундай таниқли кишилар, балки шу мактабда ўқиган, бирон касбнинг бошини тутиб маҳаллада обрў-эътибор қозонган одобли, маърифатли фарзандларни тарбиялаб вояга етказган инсонлар ҳам диққат-эътиборимизда. Байрам баҳонасида мактабимизда ишлаган, бутун ҳаётини ўқувчиларга бахш этган марҳум устозларни эслаймиз. Уларнинг оилаларига эсдалик совғалари тайёрладик. Қумри Обидова, Назира Ражабова, Носир Ҳобилов, Аҳмад Саидакбаров каби устозларни доимо ёд этиб турамиз.

Нафақадаги ўқитувчиларимиз эса дастурхонимизнинг тўрида ўтиришади. Бундан ташқари, шу мактабда ўқиган, пойтахтимизнинг турли мактабларида фаолият кўрсатаётган шогирдларимиз ҳам талайгина.

— Мактабингиз қишда совуқлик қилмайдими? Шифти баланд экан? — дедим ўсмоқчилаб.

Опа кулдилар.

— Тўғри, иситиш тармоқларимиз талабага жавоб бермай қолганди. Байрам баҳона янгилаб олдик. Лекин биз хона ҳароратини 20 даражадан оширмаймиз. Шифтнинг баландлигига келсак, бу ўқувчиларнинг фикрлашига таъсир қилади. Кенг ва ёруғ хона ўқувчининг чуқур фикрлашига кўмак беради. Бинонинг лойиҳасини чизганлар буни назарда тутган.

Лутфия опа Саидова 26 йилдан буён маориф соҳасида хизмат қилиб келяптилар. Дастлаб мактабда математикадан дарс бердилар. 1982 йилдан илмий ишлар бўйича директор муовини, 1985 йилдан эса мактаб директори лавозимида ишлаб келяптилар. Лутфия опанинг ширинсуханлиги, ташкилотчилигига байрам баҳона яна бир карра амин бўлдик. Опа 1995 йилда «Соғлом авлод учун» II даражали ордени билан мукофотланганлар.

Мактабдаги ишларни кузатдим. Ўқувчилар билан суҳбатлашдим. Мактабда чет тилларни ўрганишга, эстетик тарбияга, спортга эътибор катта. Хусусан, ўқувчилар энг замонавий ва тобора оммалашиб бораётган спорт тури — теннисга меҳр қўйган. Мураббий Исроил ака Мирзабоев ўтган йили «Дўстлик» ордени билан мукофотланди. Одоб ва ахлоқ дарслари кучайтирилиб, энг малакали ўқитувчилар жалб этилган. Бизни қувонтирган яна бир нарса мактабда «Маънавият» хонаси ташкил этилди. Бу ишда Қобилзода ота Ҳошимов катта ёрдам бердилар.

— Мен тишимнинг кавагида асраб юрган нарсаларни мактабга бердим, — дедилар отахон. — Ниятим, ўқувчилар ота-боболарининг кимлигини билсин, англасин: фахрлансин. Сизлар маънавият деб атаган нарса одамзотдаги иймону эътиқоддир. Иймон нуридан баҳра олган фарзанд чин инсон бўлиб етишади. Президентимиз шунинг учун ҳам маънавиятга катта эътибор бермоқда.

Ўша куни мактабдан яхши кайфият билан қайтдим. Ўқувчи ва ўқитувчиларнинг қувончи менга ҳам юқди...

Бугун эса мактабда байрам. Бундан роппа-роса 60 йил муқаддам худди шу ерда илм даргоҳининг очилиш маросими бўлган. Ҳозир ўша хайрли тадбирда иштирок этганларнинг кўпчилиги орамизда йўқ. Лекин уларнинг ишини шогирдлари ва фарзандлари давом эттиряпти. Бугун байрам. Мактабнинг юбилей тўйи чинакам маънавият байрамига айланиб кетди. Барча устозларни, илм толибларини ана шундай хушнуд кунлари кўп бўлсин. Яхши кайфият, яхшилар меҳри уларни тарк этмасин.

Абдураҳмон ЖЎРА.

ТАДБИРКОР ҲИММАТИ

Мамлакатимиз иқтисодини юксалтириш, элимизнинг фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги учун меҳнат қилаётган ишбилармонлар талайгина. Ана шундай инсонлар Шаҳрихон туманида ҳам кўплаб топилади. Улардан бири — Абдулҳай Матисаев. Бу маърифатпарвар инсон тумандаги Сарой қишлоғи ҳудудида кичик ғишт корхонасини ишга туширди. «Инсоф сари барака» нақлига амал қилган Абдулҳай ака олаётган даромадининг бир қисмини маҳалла ободончилигига сарфламоқда.

Аввалига маҳаллага пишиқ ғиштдан масжид, қишлоқ аҳли учун ҳаммом қуриб берди. Биз у кишини маърифатли деб атадик. Бунинг боиси Абдулҳай Матисаев 29-мактабни таъмирлаш ишларида ўқитувчиларга кўмаклашди. Ўқувчилар учун қўшимча синф хоналари қуриб берди. Фақат бугина эмас, аълочи ўқувчиларни тақдирлаш йўлга қўйилди. Садоқат Жалолова, Гулноза Носирова, Ғуломжон Ғафуров, Назира Тўраева каби 25 нафар ўқувчининг ҳар бири 100 сўмдан стипендия олмоқда. Бундан ташқари «Йилнинг энг аълочи ўқувчиси» соврини таъсис этилган. Бу нафақат ўқувчиларга кўрсатилган моддий ёрдам, балки мурғак қалбларга экилган яхшилик, эзгулик ниҳолларидир. Сизнинг хайрли ишларингиз бошқаларга ҳам юқсин, Абдулҳай ака!

Машраб РАҲМОН АЛИ.

Dil izhori

БАХТНИ МАКТАБДАН ИЗЛАБ...

Менинг биринчи ўқитувчим... Бу сўзларда қанчадан-қанча илиқлик бор. Мактабга сумкаларини елкаларига илиб, чуғурлашиб кетаётган болакайларни кўрсам, ўша, нур ёғилиб турган сиймо, менинг биринчи ўқитувчим Гулбаҳор опа Йўлдошева кўз олдимга келади. Уларнинг ёқимли овози, меҳрибон қўллари ёдимга тушади. Болалик хотиралари ўз гирдобига тортади мени...

Гулбаҳор опа узоқдан кўринганлари заҳотиёқ олдиларига югуриб бориб, сумкаларини кўтариш учун талашардик. Муаллимамизнинг сумкаларини синфгача ғутариб бориш, ўша пайти мурғак қалбимизда беқиёс ғурур ҳиссини уйғотарди. Мана орадан 21 йил ўтибдики, ўша ҳис-туйғулар ҳамон юрагимни тўлқинлантиради, мени мактаб остонаси томон етаклайди...

Гулбаҳор опа, яқинда Халқ таълими аълочиси кукрак нишони билан тақдирланибдилар. Эшитиб жуда қувондим. Табрикладим.

— Мазкур қийин, аммо муқаддас ўқитувчилик касбини танлашимнинг бош сабабчиси — онажонимдир, — дейдилар Гулбаҳор опа. — Онам, Зокирова Нортожи аслида уй бекаси бўлишига қарамай билимдон, илмга чанқоқ, болаларни чин дилдан севувчи аёл эдилар. Уларнинг айнан мана шу хислатлари ёшлигимданоқ ўқитувчилик касбига нисбатан меҳр уйғотди. Шу туфайли урта мактабни битиргач, Жиззах педагогика билим юртига ўқишга кирдим ва уни «аъло» баҳолар билан тугатгач, бир муддат болалар боғчасида мудира бўлиб ишладим. Шу йилдан бошлаб, бошланғич синфларга дарс бера бошладим.

Устоз отангдан улуғ, деган гап бор. Бу, шу табаррук инсонларга нисбатан берилган энг тўғри баҳодир. Фақат устоз кўрган шогирдгина уз мураббийси ишончини оқлаб, ҳаётда ўрнини топади, ота-онасининг меҳрибон суянчиғи, жамиятнинг мустаҳкам устунига айланади...

Ўқитувчилик касбининг сир-асрорларини мукаммал эгаллашда унга тўғри йўл кўрсатган Узбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Эрмат Йўлдошевни ўзининг биринчи устози санайди.

— Маълумки, бугунга келиб республика таълим тизимида катта ўзгаришлар юз берди. Айниқса лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосининг амалга киритилиши биринчи галда бошлангич синф ўқитувчиларига янада ўз устиларида кўпроқ ишлашларига, ўқитишда янги усулларни қўллашларни талаб этди. Шу хусусда ўз фикрларингизни билдирсангиз?

— Бу янгилик республикамизни жаҳон ҳамжамиятидаги етакчи давлатларга яқинлаштириб, ўзаро халқаро муносабатларни янада эркинроқ ривожлантириш имконини беради. Ҳар бир ўқувчи мазкур алифбони мукаммал эгаллаши учун айниқса, бошланғич синф ўқитувчилари фидокорона меҳнат қилишлари лозим.

Айнан ўз ўқитиш усулим ҳақида тўхталадиган бўлсак, мен энг замонавий усулларни қўллашга ҳаракат қиламан. Шу билан бирга Ватан остонадан бошланишини биринчи дарсдаёқ ўқувчиларимга тушунтиришга ҳаракат қиламан. Фикримча, Ватан ҳиссини қалбига чуқур сингдирган ўқувчигина келажакда миллат тақдирини ўйловчи, том маънода уз она юртини севувчи, ҳур фикрли инсон бўлиб етишади.

Мактабни битириб чиққан шогирдларим ичида кўпчилиги ўқитувчилик касбини танлаганликлари мени янада қувонтиради. Булар Даминова Ҳилола, Салимова Марҳабо, Ҳасанова Сайёра, Эшонбобоева Дилрабо, Даминова Раъно ва бошқалар бўлиб, улар бу касбни шарафлаб келаётирлар.

Шунингдек, мен аввало мактабда ўқитувчилар билан биргаликда болага таълим-тарбия беришда ота-оналар ролининг ҳам оширилишини, уларнинг интилишлари ва хоҳишларини қондиришга кўпроқ йўл очилишини истар эдим.

Наргиза ҚОСИМОВА, филология фанлари номзоди.

Darsingizni qanday o'tayapsiz

КИМЁВИЙ ЎЙИН

Мактабларда ўқувчиларга дарс ўтиш бугунги кунга келиб анчагина мураккаблашди. Ўқитувчи ҳар бир машғулотда андозасиз, асл нусхали услубларни қўллаши, фанлараро алоқаларга амал қилиши ва энг муҳими, ижодкор бўлиши лозимдир. Ана шунда ўқувчилар машғулот давомида зерикиб қолишмайди, уларнинг фикрлари жамланади, дунёқараш лари кенгаяди. Шарофатхон Қурбонова таълимнинг замонавий талабларига амал қилгани учун ҳам яхши натижаларга эришаяпти. У Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги 8-мактабда кимё-биология фанларидан сабоқ беради. Мустақил равишда «Кимёвий ўйинлар», «Кимё фани олами», «Кимё ва экология», «Фойдали қазилмалар» каби ўйинларни ишлаб чиққан. У ҳар бир мавзуга дастурдан ташқари маълумотларни киритади. «Кубиклар ўйини», «Кимёвий альтернатив», «Энг»... ўйинларини қўллаш, кроссворд ва ребуслардан фойдаланиш орқали мавзуларни умумлаштиради. Бу услуб ўқувчилар билимини баҳолашда ҳам қўл келмоқда. Қуйида муаллима яраттан андозасиз машғулот турларидан баъзиларини келтирамиз.

Улардан бири «Кубиклар ўйини»дир. Бу ўйин икки хил услубда ташкил этилиши мумкин. Дастлаб ўқувчилар 28 та кубикнинг томонларига металл мосламаларининг кимёвий белгиларини ёзадилар. Улар билимларини синаш чоғида металл ва металл мосламаларини алоҳида қаторларга терадилар.

Кейин кубик томонларига оддий ва мураккаб моддаларга ажратилади. Бу кубикларнинг ҳар бири ўқувчиларга тарқатилади. Улар шу алфозда формулалар бўйича нисбий молекуляр массани аниқлаш топшириғини бажарадилар. Бундай услуб ҳар бир боланинг кимёвий қобилиятини алоҳида синаб кўришда ва уларга аниқ баҳо қўйишда яхши самара беради.

Яна бир услуб «Рекордчи» ёки моддани топиш ўйинидир. Бу ўйин савол-жавоб тарзида олиб борилади. Қуйидаги «сочма» саволлар ўртага ташланади:

1. Ер юзида энг кўп тарқалган элемент қайси?
2. Ер пўстлоғида энг кўп учрайдиган металл қайси?
3. Энг қаттиқ металл қайси?
4. Юмшоқ металл қайси?
5. Энг оғир суюқлик?
6. Энг енгил суюқлик?
7. Қайси металл энг юқори ҳароратда суюқланади? ва ҳоказо.

Бу саволларнинг жавоблари ни ўқувчилар мустақил топишга ҳаракат қиладилар.

Навбатдаги услуб кимёвий бошқотирма бўлиб, унда ребус ва топишмоқлардан фойдаланилади. Ўқитувчи уч қаторли катакчалардан иборат бошқотирма тайёрлайди. Унинг биринчи қатори саккиз қатор бўлиб, 3-ва 4-катакларга «Р», «М» ҳарфлари ёзилади. Иккинчи қаторда жойлашган етти катакнинг 4-ва 5-катагига «Н», «Д» ва ниҳоят, учинчи қаторда олти катакнинг 2- ва 3-катагига «А», ва «Л» ҳарфлари битилади. Ўқувчилар ундан фойдаланган ҳолда Менделеев олдиндан башорат қилган элементлар номини аниқлайдилар.

Кимё машғулотларида бундай янги услубларни қўллаш ўқувчилар билимини мухтасарлашга, уларнинг ўз устиларида ишлашларига, изланишларига сабаб бўлаяпти. Дарсларга эркинлик инаяпти, болаларнинг мустақиллиги ошаяпти. Муаллимнинг меҳнати енгиллашиб, вақт тежаляпти ҳамда у кўпроқ моҳир бошқарувчилик вазифасини бажаряпти.

АВАЗ ҲАЙДАРОВ, ўз мухбиримиз.

Bolalar boqchasida

ТЎХТАХОН ОПА БАХТИ

Тарбия нозик санъат, дейлмиз. Демак, тарбиячиларга ҳамма вақт ҳам осон бўлмайди. Айниқса, боғча опалар бу соҳада анчагина эҳтиёт бўлишлари лозим. Ушбу ёшдаги ҳар бир жажжини алоҳида руҳияти, ўзига яраша эрқалиги бор. Ана шу эрқаликни қадрлай билмоқ — энг асосий тарбия. Чунки бу ёшдаги эркалик одатий ва азалийдир.

Чортоқ шаҳридаги «Ғунча» номли 4-боғчада ана шуларга амал қилиниб, қатор ижобий натижаларга эришилди. Бу ишларда боғча мудираси Тўхтахон опа Ҳайдарованинг хизматлари беқиёсдир. Ғалдаги ҳикоямиз ана шу заҳматкаш аёл, тўғрироғи, у киши бошқараётган 4-боғча ҳаёти ҳақида бўлади.

— Иш фаолиятимни бошлаганимга ҳам 19 йил тўлибди, — дейди Тўхтахон опа. — Шу йилларни саҳҳисоб қилсам, ўтган умримга ачинмайман. Кўриб турганингиздек, оилада оналик бахтига, севимли умр йўлдош бахтига, хизматда эса жажжиларга боғча опа, кўп ёш касбдошларимга эса устозлик шарафига эришдим. Менимча, булар бир аёлга етгулик бахт бўлса керак. Иш фаолиятимнинг илк даврида шаҳардаги 3-боғчада тарбиячи эдим. Кейинроқ услубчи, ҳозир эса мудира лавозимида ишлаяпман. 1994 йили ҳозирги ўзим бошқараётган 4-боғчага ишга тавсия этишди. Болалар билан ҳам, тарбиячилар билан ҳам аввалдан иш юритганим жуда қўл келди. Унчалик қийналмай, бу ерда ҳам яхшигина ижодий муҳит яратдим. Айнан бизнинг боғчада республика ўқув семинари ўтказилди. Ана шунда тажрибаларимиз яхши баҳоланиб, боғчамиз таянч боғчага айлантирилди, ишларимиз вилоятда оммалаштирилди. Вазиримиз Жўра Йўлдошев шахсан ташриф буюриб, ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Вилоят халқ таълими бошқармаси хизматларимиз эвазига боғчамизга компьютер совға қилди. Ҳозир тарбияланувчиларимизга ана шу компьютердан ҳам сабоқ беряпмиз. Уларни хорижий тил — инглиз тилини ўрганишларига шароит яратиб берганмиз. Ахир, тил билган эл билади-ку! Ёшликда эса кўши зеҳни ўткир бўлади. Айтишади-ку, ёшликдаги билим тошга ўйилган ёзув, деб.

Хўш, бу икки йўналишда ўқитувчилар тайинлаш, уларни маош билан таъминлаш қай аҳволда? Бу савол барчани қизиқтириши табиий. Мудира опанинг айтишича, бу муаммо ҳам ижобий ҳал бўлган. Ота-оналарнинг саъй-ҳаракатлари билан шаҳардаги лицей муаллимлари бу ишга жалб қилинган. Уларнинг ойлик маошини ҳам ота-оналар бериб боришади. Бу ишлар ўз натижаларини бермоқда. Яъни тарбияланувчилар, тарбиячилар ва ота-оналар ҳамкорлиги ўзини оқламоқда. Тўхтахон опага барча ишларни кўнгилдагидек ташкил этишда шогирдлари М. Самандарова, М. Раҳимова, М. Акарова, Н. Ваҳобова, С. Отахонова ҳамиша дастёр. Улардан М. Асқарова вилоят «Йил тарбиячиси» танловида фахрли 3-ўринни эгаллади. Шу кунларда Тўхтахон опа яна бир шогирди Н. Ваҳобова билан катта синов палласида турибди. Насиба ҳам бу йилги «Йил тарбиячиси» танловининг вилоят босқичида иштирок этмоқда.

Х. АБДУРАҲМОНОВ.

АЛ – АНСОБ

БУХОРО ОЛИМЛАРИ ҲАҚИДАГИ ҚОМУС

Имом ас—Самъонийнинг «Ал-Ансоб» китоби муътабар,ишончли манба сифатида қадрлидир. Асл номлари Абу Саъд Абдулкарим ибн Муҳаммад ас-Самъонийдур. Ҳижрий 456 йилда туғилиб, 562 йилда Марвда вафот қилганлар. Умрларини сафарда ўтказган бу зот жуда кўп олимлар билан учрашганлар, улар илмидан баҳраманд бўлганлар. Етти минг кишидан таълим олганлар. Арабистон, Ўрта Осиё, Эрон, Шомгача сафар қилганлари самараси сифатида кўп китоблар таълиф этганлар.

Имом ас-Самъоний Бухорода ҳам бўлиб, унинг атрофидаги қишлоқлар ҳамда олимлар хусусида маълумотлар тўплаганлар. «Ал-Ансоб» китобидаги шу маълумотлардан муштарийларни бохабар этмоқни камина лозим топди.

Ал-Андақий: Андақ — Бухоро қишлоқларидан бўлиб, Бухородан 6 фарсаҳдир. Бу қишлоқдан Абул Музаффар Абдулкарим ибн Абу Ҳанифа ал-Андақий ал-Бухорий чиққанлар. Бул зот ўз замонасининг фозиллиги, зоҳидлиги, камтарлиги, ахлоқи билан машҳур бўлган олимлардан эдилар. Устозлари Абдулазиз Ҳалъоний Бухорий шамсулаимма («олимлар қуёши») номи ила машҳур эдилар. Ҳижрий 400 (милодий 1010) йилда туғилиб, 481 (1089) йилда вафот этдилар.

Бул кишининг невараларидан Абу Муҳаммад Ҳасан ибн Ҳусайн ал Андақий ўз даврининг тариқат илми машойихларидан эдилар. Муридларини тарбиялаш билан умрларини ўтказдилар. Пайғамбар Алайҳиссаломнинг одоб ва суннатларига доимо амал қилар эдилар. Ҳожа Юсуф Ҳамадонийнинг севимли шогирдларидан саналадилар. Дарвоқе, Имом Самъоний ул киши билан ҳамсуҳбат бўлиб, илмларидан кўп баҳраманд бўлдим, дея ривоят қилганлар.

Ал-Бермасий: Бермас — Бухоро қишлоқларидан (Вобкентдаги ҳозирги Пермаст қишлоғи). Абу Муҳаммад Ҳамд ибн Амр ал-Бермасий ал-Бухорий шул қишлоқдан бўлиб, Муҳаммад ибн Иброҳимдан таълим олибдурлар. Ул киши Иброҳим ибн Нуҳ, ибн Сиддиқ Бухорийдан таълим олибдурлар.

Ал-Коканий: Кокан — Бухоро қишлоқларидан (ҳозирги Когон шаҳри). Муҳаммад ибн Али ал-Коканий ва ул кишининг ўғиллари Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Коканийдур. Булар Имом Юсуф ибн Ҳайдар Хумайсанийнинг шогирдларидирлар. Абу Муҳаммад Абдулло ибн Бакр ал-Коканий ал-Бухорий Яҳё ибн Жаъфар ва Имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийдан таълим олиб, ул зотдан ҳадис ривоят қилибдурлар.

Ал-Варкий: Варка — Бухоро қишлоқларидан. Насафга борадиган йўл устидаги қишлоқ бўлиб, Бухородан 2 фарсаҳдур (яъни 16 километр). Саъмоний «Нахшабдан Бухорога қайтаётганимда шу қишлоқда бир кеча тунадим», дея қайд этган. Бу қишлоқдан бир жамоа улуғ уламолар чиқишган. Абу Бакр Муҳаммад ибн Халф ал-Варкий машойихлардан бўлиб, солиҳ олим эдилар. Исҳоқ ибн Аҳмад ва Аҳмад ибн Муҳаммаддан ҳадислар ривоят этибдурлар. Абул-Аббос ал-Мустағфирий шул зотдан ҳадислар айтибдурлар. Ал-Варкий рабиул-охир ойида ҳижрий 380 (милодий 991) санада вафот этмишлар.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Халф ал-Варкий ал-Бухорий Хуросон, Ироқда бўлиб, ул ердаги улуғ олимлардан таълим олибдурлар. Вафотлари ҳижрий 381 (милодий 992) рабиул-аввал ойида Бухорода воқеъ бўлубдур.

Ал-Кохуштувоний: Кохуштувон — Бухоро қишлоқларидан бўлиб, унда бир работ ҳам бордур. Работи Кохустувон дерлар. (Ромитан туманидаги Қоқиштувон қишлоғи назарда тутилаяпти).

Абу Бакр Муҳаммад ибн Сулаймон ал-Кохуштувоний ал-Бухорий «Марв илм» номи билан машҳур эдилар. Бунда Марв уламоларининг ҳамма илми шул кишида мужассамлиги назарда тутилган. Шогирдлари Абдул-Азиз Нахшабий айтадиларки, ул киши Абузар Бағдодий ва Абу Бакр Исмоилий ва Абу Саид Розийдан таълим олибдурлар. Эшитган ҳадисларини ёзиб олар эдилар ва уларни ёддан айтиб ўзгаларга сабоқ берардилар. Ҳижрий 449 (милодий 1058) йилда вафот этганлар.

Тўпловчи ва изоҳлар муаллифи: Абдулғофир РАЗЗОҚ.

Ta'kid

ОТА-ОНА ВА ФАРЗАНДЛАР

Уларнинг бири Ой, иккинчиси Қуёш, теграсидаги фарзандлар эса юлдузлар. Ҳазрат Алишер Навоийдан ошириб, ота-онага ташбеҳ топмоқ ҳам мушкул. Ҳаётнинг абадий қонунига эгилган, тақдирлари қўшилган кишилар бир кун келиб, албатта ота-она бўлгайлар ва шунда оталик, оналикнинг ҳиссини ўз падари бузрукворлари ва волидайи муҳтарамалари каби ҳис этгайлар.

Фарзандни дунёга келтириш ва туғилгач, уни парваришлаб, иссиқ-совуқдан асраб, боқиб кийинтириш, едириб-ичириш ота-она зиммасидаги асосий фарзлардан. Улар то умрининг сунгги йилларига қадар фарзанд дея куядилар, фарзанд дея ўтга-чўққа борадилар.

Ўғиллар, қизлар эса ниб-ўсишади, улгайишади. Усмирлик палласини ортда қолдириб, балоғат ёшига қадам қўйгач, улар ҳам ҳаётнинг абадий қонунига дуч келишади. Уйланишади, турмушга чиқишади, сўнгра оиланинг илк қувончларидан диллари энтикиб, фарзанд кўришади...

Бу ғўёки ота-оналар томонидан фарзандларга узатиладиган кўзга кўринмас ялов. Янгидан вужудга келган авлодлар бу яловни қабул қилаверадилар.

Ота-оналик, уларга фарзанд бўлмоқлик ҳам бахт.

Улар муносабатида бирбирини такрорлайдиган ҳолатни сиз ҳам кузатганмисиз? Гарчанд сиз уйли-жойли, бола-чақали бўлиб, ўзингиздан тинчиб кетсангиз-да, ота-онангиз ҳар қачон сиз учун қайғуради, сиз ҳақингизда ўйлайди. Ўз навбатида сиз ҳам йил сайин, усиб, камолга етиб бораётган ўғил-қизларингиз ташвишида яшайсиз.

Ота ва она ҳақини англаймизми? Умуман, фарзандларнинг ота-она ҳаётлигида ва вафот этгач бажо келтириши лозим бўлган амаллари ҳақида озмунча бўлса-да, тушунчамиз бор. Лекин пайғамбарларимизнинг нақл қилишларича, ота-онанинг фарзандда 80 та қарзи бўлар экан. Шулардан 40 таси улар ҳаётлигида ва 40 таси оламдан кўз юмгач, ўзилиши лозим. Улар ҳолидан хабар олиш, совға-саломлар ҳадя этиш, муҳтож бўлмаса-да, оз ёки кўп миқдорда пул бериб туриш, ўз уйига таклиф этиб, меҳмон қилиш, иззатикром кўрсатиш ва ҳоказо.

Ота-она олдидаги бурч ва қарзлар қанчалик кўп бўлиб туюлмасин, уларнинг уддасидан чиқиш мумкин. Ота-она ҳақини билмак зикрида файласуф Кайковуснинг мана бу фикрлари кишини лол қолдиради: «Ота-онага иззат ва ҳурматни қанча кўп қилсанг, уларнинг сенинг ҳақингдаги дуоси шунча тезроқ мустажоб бўлур».

Отанинг қаҳрига йўлиқишдан худонинг ўзи асрасин!

Онанинг қарғиши қайси фарзандга керак?

Нафратнинг ана шу икки турига учраб, не балою касофатлардан боши чиқмаётганлар йўқ дейсизми?

Мен билган бир аёл бор, ҳали олтмишга етмаган. Соғлиги ночорроқ. Ҳар чоршанба, яъни мушкуллар осон, ҳожатлар равон бўладиган куни бу аёл онасининг олдига шошади. Айтишига қараганда, онаси саксондан сақраган, тўшакда, ўзини ўнглолмайди. Мундоқ олганда, қарилик — иложсизлик... Тетик юрмоққа куч-қувват қайда?

Мен билган бу аёл муродбахш кунни онасининг ёнида утказади. Унга ул-бул кутариб боради, чойшабларини, кир-чирларини ювиб беради. Қайтаётиб, онасининг узундан узоқ дуоларига кумилади...

Ҳар чоршанба уни онасининг мултираган ва интизор нигоҳлари кутади. Ҳаётда кимнингдир эмас, энг яқин ва азиз кишингнинг сени кутиб яшаши ҳам бахтлиликнинг кўриниши...

Ўз онасининг кўнглидан чиқаётган, унинг дуоларига сиғиниб яшаётган бундай инсонларни Худо, албатта, ёрлақайди... Она дуоси олтинга тенг.

... Ҳаётда бунинг акси ҳам бор. Ўз фарзанди ўлига нигорон қайсидир она зор йиғламоқда. Ноқобил ўғил ёки калтафаҳм қиз отаси ва онаси олдидаги фарзандлик бурчини деярли ҳис қилмайдилар.

Ҳа, буни ҳаёт деб қўйибдилар. Бу ўлкан уммонда нималар бўлмайди. Нима бўлса бўлсину, ота-оналар ҳеч қачон ўз фарзандларидан норози бўлмасинлар. Инсон учун бундан-да улканроқ фожиа йўқдир...

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, журналист.

Maktablar hayotidan

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

Мамлакатимизда утказилаётган туб ислоҳотлар астасекин таълим тизимини ҳам ўз ичига олмоқда. Бу табиий ҳолдир. Чунки таълим тизими барча ислоҳотларнинг тезлашишига муҳим омил ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда яқинда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун узининг долзарблиги ва муҳимлиги билан ажралиб туради. Зеро, Президентимиз «...маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маърифатни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини руёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш — давлат аҳамиятидаги вазифа сифатида мактабнинг жамият ва халқ олдидаги масъулияти ҳамда жавобгарлиги»ни алоҳида таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, ёш авлодни тарбиялаш қудуқ қазишдек машаққатлидир. Истиқболи порлоқ мустақил мамлакатимизга билимли, уддабурон, тадбиркор, ижодкор ва жасоратли ёшлар зарур.

Шофиркон туманидаги 4-ўрта умумий таълим мактаб ўқитувчилар жамоаси ана шу мақсад йўлида қўлни-қўлга бериб астойдил меҳнат қилмоқдалар. Мактабда таълим жараёни мазмунини тубдан янгилаш, дарсларни жаҳон андозалари асосида ўтказиш, шунингдек, ўқувчилар билимини баҳолашнинг турли услубларидан фойдаланиш ўқитувчиларнинг диққат марказида турибди.

Алишер Навоий номидаги ушбу билим ғўшасида халқнинг 1350 нафар ўғил-қизлари таълим олмоқда. Уларга 125 нафар олий маълумотли педагоглар фан сирларини пухта ўргатиб келмоқда. Булар орасида 1 нафар «Узбекистон халқ ўқитувчиси», 14 нафар «Узбекистон халқ маорифи аълочиси», 5 нафар олий тоифали, 42 нафар биринчи тоифали ўқитувчилар бор.

1991—92 ўқув йилидан бошлаб мактаб вилоятда тажриба марказларидан бирига айланди. Мактаб ўқувчилари туман, вилоят ва республика олимпиадаларида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Ўқитувчиларни янги педагогик-технология билан таништириб боришда мактаб услубхонасининг ўз олдига қўйган вазифалари мавжуд. Бу вазифалар таълим ва тарбия мазмунини миллий қадриятлар, шарқона одоб асосида шакллантиришга қаратиш, ҳар бир педагогнинг назарий-услубий тайёргарлигидаги «бушлиқ»ларни тўлдиришга кумаклашиш ва умумпедагогик савиясини янги педагогик-технологик асосда узлуксиз юксалтиришга йўналтиришдан иборатдир.

Образли қилиб айтадиган бўлсак, услубхона мактабнинг уриб турган юрагидир. Юрак инсон танасига ҳаёт бахш этгани каби услубхона мактаб ва педагоглар жамоасини замонавий дарс ўтиш андозалари билан таъмин этувчи марказдир. Мактабнинг илмий ишлар бўйича директор мувини, халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи Субхон Зойиров ана шу марказнинг ташкилотчисидир. Услубхона дид билан безатилгани кишида ҳавас уйғотади. Унда янги лотин алифбосида ёзилган турли услубий ёрдам стендлари: «Маънавият ва маърифат», «Ўқинг, амал қилинг», «Услубий адабиётлар жавони», «Ёш ўқитувчиларга ёрдам», «Ҳафталик дарс кинокурсатувлари экрани», «Бошлангич синф ўқитувчиларига ёрдам» бурчаклари, «Дарс конспектлари», «Йиллик иш режа»лардан намуналар жойлаштирилган. «Правец-8», «Литий» аппарати, телевизор, турли маркадаги калкуляторлар ҳам ўқитувчилар хизматида.

Услубшунос С. Зоиров услубий хизматнинг педагоглар фаолиятини ҳар томонлама диагностикалаш натижалари асосида амалга оширишни, унинг мақсадлилигини таъминлаган ҳолда ҳар бир педагогнинг назарий-услубий тайёргарлигини кузатиш, педагогик маҳоратини коррекциялаб бориш, умумпедагогик савиясини узлуксиз юксалтириш учун тинимсиз изланади.

Услубхонада ойида бир марта умумий-услубий кенгаш ўтказилади. Мактаб сардори, халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи И. Толибов раҳбарлигида ўтказиладиган бу кенгашда мустақил Узбекистонимизнинг порлоқ келажагини бунёд этувчи ёшларга ҳар томонлама пухта билим бериш, уларни назарий-амалий кўникмалар билан қуроллантириб боришнинг қулай усуллари ва тажриба алмашувлари ўтказилиб турилади. Эндигина меҳнат фаолиятини бошлаётган ёш ўқитувчилар бундай мулоқотлардан фойдаланиб, қисқа вақт ичида ижодкор, моҳир, замонавий дарс ўтиш назарияси билан қуролланган муаллимларга айланадилар.

Мактаб услубхонаси ташаббуси ва тавсияси билан кўплаб ўқитувчиларнинг иш тажрибаси мактаб, туман ва вилоят миқёсида оммалаштирилган.

Кўплаб ўқитувчиларнинг ўқув-тарбия соҳасидаги аъло ҳаракатлари туфайли мактаб 1993 йилда жумҳурият миқёсида ўтказилган «Йил мактаби» кўрик-танловида ғолибликни қўлга киритди ва Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиғи ҳамда «Йил мактаби» нишони билан тақдирланди.

Ўқитувчилар фаолияти диагностика асосида ўрганилиб, уларга малака тоифалари бериб борилмоқда ҳамда ёш, тажрибасиз ўқитувчиларга диагностик таҳлил асосида услубий ёрдам уюштирилмоқда. Мактабда педагогик ходимлар малакасини ошириш яхши йўлга қўйилган. Бу иш асосан икки йўналиш орқали амалга оширилади. Булар мактаб доирасидаги малака ошириш ва мактабдан ташқари малака оширишдир.

Мактаб педагогик кенгаши метод бирлашмалари, айрим фан услубий комиссияларига махсус йўл-йўриқ ва кўрсатмалар беради ҳамда услубхона билан биргаликда фаолият кўрсатади. Услубий бирлашмалар орасида ўзбек тили ва адабиёти, математика, ЭҲМ, физика, астрономия, кимё-биология ҳамда чет тиллари метод бирлашмалари илғор тажриба мактаби саналади.

Яқинда вилоят миқёсида ўтказилган ўқитувчиларга услубий хизмат кўрсатиш ва услубхоналарнинг кўрик-танловида мактаб услубхонаси фахрли ўринни эгаллади. Вилоят халқ таълими қарори билан услубхона вилоят тасарруфидаги услуб маркази деб эълон қилинди.

Ўқитувчиларнинг самарали меҳнати ўз натижасини бермоқда. Утган ўқув йилида Алишер Навоий номли мактабни тугатган ўқувчиларнинг 25 нафари республикамизнинг турли олий ўқув юртларига тест синовларидан муваффақиятли ўтиб ўқишга кирдилар. Иш самарасини янада ошириш мақсадида айни кунларда турли фан тўгараклари, битирувчиларни олий мактабларга тайёрлаш курслари мунтазам ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, мактабда ҳаёт қайнамоқда. Ўқитувчиларнинг бутун диққат-эътибори ҳар томонлама камол топган комил инсонни тарбиялашга, демакки, келажагимизни иқтидорли миллий кадрлар билан таъминлашга қаратилган.

Илҳом ЗОЙИР.

Новқа — Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги энг сўлим, дилтортар гўшалардан бири. Бу сўлим масканда ўзининг шифобахш сувлари, сархил мевалари, дилбар табиати билан кишини ўзига ром этади.

Бахмал туманидаги 8-ўрта мактаб ҳам шу сўлим қишлоқ — Новқада жойлашган. Бу ўқув масканида меҳнаткашларнинг 800 дан ортиқ фарзандларига 70 га яқин муаллим таълим-тарбия беради.

8-ўрта мактаб жамоаси иш фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари шундаки, бу жамоа таълим-тарбия борасида изланувчан, ижодий ишловчи, янгиликларни иш фаолиятида дадил татбиқ этувчи ёш, шижоатли мутахассислардан ташкил топган. Шунинг учун ҳам туман халқ таълими бўлими ўтган ўқув йилининг иккинчи ярмидан бошлаб таълимдаги янгилик — ўқувчилар билим ва кўникмаларини баҳолашнинг тест-рейтинг усулини айнан шу мактабда қўллашни лозим топди. Мактаб жамоаси бу ишончни оқлади ва бу соҳада самарали натижаларга эришди.

Мактабда 10 та фан бўйича компьютер дарслари программалаштирилди ва уларнинг услубий йўналишлари ишлаб чиқилди. Ўқувчилар билимини назорат қилиш ва

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

баҳолаш бўйича ўқитувчи ва ўқувчилар дафтарлари, тест банклари ташкил этилиб, иш фаолиятида самарали фойдалана бошланди. Мактаб жамоасининг янги педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш бўйича олиб бораётган ишлари мазмуни вилоят халқ таълими бошқармаси ва вилоят педагог ходимлар малакасини ошириш институти томонидан таҳлил этилиб, тегишли кўрсатма ва методик ёрдамлар бериб борилди. Натижада мактаб жамоасининг бу борадаги ишлари ўз самарасини берди. Уларнинг иш тажрибасини оммалаштириш мақсадида, яқинда шу мактаб базасида «Дарс жараёнида тест-рейтинг усулини қўллаш» мавзуида амалий семинар ўтказилди. Семинарда туман ва шаҳар халқ таълими бўлимлари методика кабинетлари услубчилари, умумтаълим мактабларининг директорлари, илғор тажрибали халқ таълими ходимлари иштирок этдилар.

Семинар иштирокчилари янги педагогик технологияни таълим-тарбия жараёнида қўллаш, хусусан, тест-рейтинг усулида баҳолаш соҳасидаги илғор тажрибаларни тарғиб этиш мақсадида уюштирилган очиқ дарсларни кузатдилар ва ўқув даргоҳида олиб борилаётган ишлар мазмуни билан танишдилар. Сўнгра семинар қатнашчиларининг ялпи йиғилиши бўлиб ўтди.

Муҳокамаларда билдирилган фикр-мулоҳазалар, методик таклифлар ва 8-ўрта мактаб иш тажрибасига доир материаллар асосида институт диагностика лабораторияси ҳамкорлигида методик тавсия тайёрлаш ҳамда вилоят таълим муассасаларига юборишга келишилди.

Ю.САЙДИЁРОВ, Жиззах вилояти ПХМОИ оммалаштириш ва нашриёт бўлими бошлиғи.

Yodnoma

УМР МАНЗАРАЛАРИ

«Мен қайси корингга ярадим дунё», дейди бир шоир. Дарҳақиқат, инсон дунёда бирор корга ярамаса, унинг инсонлиги қаерга кетди. Ҳар ким ана шу ақидани елкалаб, умргузоронлик қилса, у ҳаётда бекор яшамабди. Мен бу жумлаларни бир инсоннинг умр манзаралари билан исбот қилмоқчиман. Бу инсон қорақалпоқлик маърифатпарвар шоир Сайфулгабит Мажитов бўлади.

С. Мажитов 1869 йилда Қозон губерниясининг Куйик қишлоғида таваллуд топган. Отаси Абдулмажид Абдулроҳиб ўғли оилавий шароити боис Қорақалпоғистонга кўчиб келган пайтида Сайфулгабит ўн икки ёшлардаги бошланғич билимга эга, зеҳнли ўспирин эди. У ёш бўлишига қарамасдан Толлик бўйидаги Кулен бўлиб ўрнига бўлган Қурозбек хизматида юриб, қорақалпоқ халқининг турмуш тарзи билан чуқурроқ таниша бошлайди. Унинг шоир Бердақ билан танишиши ҳам шу йилларга тўғри келади.

Шуни айтиш керакки, Туркистонда бўлаётган ижтимоий-сиёсий аҳволни кузатиб бориши, халқнинг турмуш шароитини яхши билиши С. Мажитовнинг демократик, маърифатпарварлик қарашларининг шаклланишига, замонасининг илғор қарашларини ўзлаштиришига ўз таъсирини кўрсатади.

Маълумки, Сўфизода 1910-1914 йилларда Қорақалпоғистоннинг Хўжайли ва Кўнғирот шаҳарларида жадид мактабларини очиб, ўқитувчилик қилган. Унинг Қорақалпоғистондаги маориф ишлари ҳақида «Туркистон вилоятининг газети» ҳамда «Садои Туркистон» рўзномаларида хабарлари, мақолалари ва шеърлари чоп қилиниб турган. С. Мажитов Сўфизоданинг янги усулдаги мактабини бориб кўради. Мактаб ҳаёти, ўқитиш усуллари билан яқиндан танишади. Сўфизоданинг ўқитиш усули шоирда зўр таассурот қолдиради. Кейинчалик у катта ўғли Раҳимни Сўфизоданинг мактабига ўқишга беради.

У ўзбек, қозоқ, рус тилларида ўқув дарсликларини яратиш тажрибасини, хусусан, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги рус-тузем мактабларида ўқитиладиган К. Ушинский дарсликлари ва Н. Алтинсарин тузган «Киргизская хрестоматия» (1872), «Мактубот» (1889), ўқишга осонлаштирилган «Алифбо», «Янги алифбо» ва «Ўқиш учун рус китоби» сингари дарсликларнинг тузилиш усулларини ўрганади. Натижада Сайфулгабит Мажитов атоқли давлат арбоби ва шоир К. Авезов бошчилигидаги биринчи қорақалпоқ «Алифбо» сини, шунингдек, «Ўқиш китоби», катталар учун «Катталар саводи» каби дарсликлар тузади ва уларни 1925 йили Тошкентдаги Қозоғистон Давлат нашриётининг Шарқ бўлимида босмадан чиқаради. Бу дарсликларни тузишда Сайфулгабит Мажитов қорақалпоқ халқининг асрлар давомида тўпланган турмуш тажрибаларига халқ педагогикасига асосланган, шунингдек, ўзининг таълим-тарбия масалаларига бағишланган ибратомуз ҳикоялари, дидактик шеърларидан ҳам фойдаланган. Унинг 1928 йилда Тўрткўлда нашр қилинган «Қорақалпоқ адабиёти сайланмаси» китоби эса қорақалпоқ мумтоз адабиёти ва оғзаки ижод намуналарини жамлаган ҳолда саводсизликни тугатиш мактабларида адабий ўқишхрестоматия вазифасини бажарган.

1929-1930 йилларда Қорақалпоғистон мактаблари лотин имлосида босилган дарсликлардан фойдалана бошлади. Бу борада ҳам илмий-методик, маърифий тажрибага эга С. Мажитовнинг ҳиссаси катта бўлди. У ёш муаллимларга ўз тажрибаларини ўргатиб, улар билан бирга «Қорақалпоқ алифбоси» (Тўрткўл, 1929), «Қорақалпоғистон вилоятидаги саводсизлар мактаби учун дастур» (Москва, 1931) дарслик китобларини ёзишда қатнашди.

Қорақалпоқ халқининг атоқли шоири ва маърифатпарвари «Миллатим татар, она тилим қорақалпоқ» деган сўзларини ғурур билан ёзган Сайфулгабит Мажитов «Суюн ва Сора», «Қулмурод», «Ўн тўққиз» номли романлар, «Боғдагул» пьесаси, ўнлаб ҳикоялар ва юзга яқин дидактик ва болалар учун ёзилган шеърлар муаллифи сифатида шуҳрат қозонган.

Шоир 30-йилларнинг иккинчи ярмида турли-туман маънавий тазйиқ ва таъқибларга дучор бўлиб, 1937 йили «халқ душмани» сифатида бегуноҳ курбон бўлади.

Хуллас, С. Мажитов қорақалпоқ адабиёти ва маданияти, маорифи тарихида таълим-тарбия соҳасида жиддий иш олиб борган илк дарсликлар, ўқиш китоблари яратган, ўлкада ижтимоий-педагогик фикрларнинг ўсишига улкан таъсир кўрсатган маънавият ва маърифат тарғиботчиси сифатида юқори мавқега эга бўлган адибдир. У нафақат амалий фаолиятда, балки бадиий ижод соҳасида ҳам таълим-тарбия, одоб-ахлоқ мавзуларида қалам тебратиб, ўзининг мулоҳазаларини, қарашларини бадиий сўз воситаси билан ифодалаб, инсонларни зиё нурларидан баҳраманд бўлишга чорлаб ўтди.

Жолдасбой ИСАКОВ, Нукус давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

Maktabgacha tarbiya

ШУ ДИЁРНИНГ ЭРТАСИМИЗ

Ёш авлодни мустақил Ўзбекистоннинг муносиб вориси қилиб тарбиялашда тарбияни миллийлаштириш, таълим-тарбия сифатини ошириш, болаларни мактабга, ҳаётга пухта ҳозирлаш мақсадида «Ўзбекистон мактабгача тарбия концепцияси» ҳамда тарбия дастури ишлаб чиқилди. Боғча ёшидаги болаларга таълим-тарбия турли машғулот, сайр, ўйин, умуман кундалик ҳаёт жараёнида бериб борилади. Миллийликни ҳамма ҳар хил тушунади. Шундай экан, биз — мураббийлар аввало, ўзимиз миллий тарбия кўрган бўлишимиз керак. Зеро, замонлар ўтиб биз тарбиялаган келажак эгаларига қараб бизга баҳо берадилар.

Кўп йиллар давомида болаларга «Бўғирсоқ», «Шолғом», «Доктор Айболит» эртаклари ўргатиб келинди. Натижада болалар қадриятларимизни билмай ўсдилар. Оллоҳга шукроналар бўлсинки, шарқона урф-одатларимиз кенг ўргатилмоқда. Болалар боғчалари дастурининг мусиқа бўлимида кўнгил очиш соатларининг ҳар хил турлари тавсия этилган. Бу жуда яхши. Лекин кундалик ҳаётимиз давомида бўлаётган воқеалар, саналар ҳақида нафосат соатлари (одобнома) тадбирлари ташкил қилинса, айни муддао бўлур эди.

Боғчамизда одобнома рукни остида ўтказилаётган «Сеҳрли сўзлар мусобақаси» бизга болаларга аҳлоқнинг оддий қоидаларини ўргатишимизда қўл келмоқда. Жумладан, ***ассалому-алайкум, лаббай, хўп бўлади, кечиринг, яхши келдингизми, хуш келибсиз, яхши бориб келинг, чарчамадингизми*** *каби сўзлар иштирок этган кичик-кичик саҳна кўринишлари намойиш қилинди. Болалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, ўзлари-ўйлаб топган саҳначаларни ижро этдилар. Шу тариқа уларда ижодий фаолият ривожланиб, ахлоқий, маънавий ҳис-туйғулари ўсиб, ҳеч ким ўйламаган, қилмаган, айтмаган нарсани ўйлаб топишга астойдил ҳаракат қилдилар. Бу эса ўз ўрнида кичкинтой фикр доирасини кенгайтиради.*

Ўзбек халқи меҳмондўстликда, одамгарчиликда ўзга халқлар орасида биринчи ўринда туради. Мактабга тайёрлов гуруҳи болалар билан «Меҳнатни шарафлаймиз» мавзусида нафосатномалар ёки қўшимча тадбирлар ўтиш мақсадга мувофиқдир. Унда турли касблар ҳақида суҳбат қилиб, кимнинг отаси нима иш қилади, кимга қайси касб ёқади, ким нима ясашни биласўзининг маъносини англаш, қарияларни зиёрат қилиш, ўрганган шеър-ашулаларни даврада ижро этиш, бунда болалар боғча гулзоридаги ўзлари парвариш қилаётган турфа гуллардан гулдаста ясаб атрофда яшайдиган қарияларни, уруш ногиронларини кўришга боришади. Ёлғиз бўлса челакчаларида ҳовлиларига сув сепиб бериб, улар олдида ўрганган шеърларини айтиб берсалар ёки доира ўйинларини ижро этсалар нимаси ёмон? Қалби кемтик у киши хурсанд бўлмайдими? Бу тадбир воситасида юксак инсоний қадриятлар, меҳр-шафқат, ўзбекона мулозамат шаклланади.

Эзгу ниятимиз фарзандларимизни ақлан, маънан, жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш экан, келинг, ҳаётдаги ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, жигарбандларимизни келажаги буюк давлатимизнинг муносиб кишиси қилиб тарбиялайлик. Ахир ўзлари ҳам куйлашади-ку:

Биз Ватаннинг эркасимиз, эркасимиз
Шу диёрнинг эртасимиз, эртасимиз.

Назифа АКРОМОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 27-болалар боғчасининг олий тоифали мусиқа раҳбари, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси.

ВАТАННИ ЎРГАНИШ

Сирожиддин САЙЙИД

Yurt ishqi



Мен Ватанни на китоб, на
Жаридадан ўрганганман.
Момоларнинг юзидаги
Харитадан ўрганганман.

Боболарнинг таёғю
Чоригини кўргандайман,
Мен Ватанни сўзлардан,
Сўқмоқлардан ўрганганман.

Кинолармас, бул Ватанни
Минорлардан ўргандим
мен.
Оқ латталар ҳилпираган
Чинорлардан ўргандим мен.

Хонақоҳлар, офтобалар,
Кетавердим, Кетавердим.
Ҳар тоғда бир авлиё,
Шул ҳикматга етавердим.



Ватан, Ватан, Ватан, Ватан,
Надир манга дурри Адан?
Селинг мени сел этгуси,
Элинг мени эл этгуси.

Бу тепалар, қумтепалар
Остидаги тарих қадар
Сукунатинг кўрганда мен,
Сукунатинг ўргандим мен.

Оқшом ярим ойинг кўриб
Кафтларим юзга суртаман,
Бир жисму юз минг руҳдаман,
Ватан, Ватан, Ватан, Ватан.



Қанча гамга мақбар дилим,
Мақбар кўрсам қақрар дилим,
Ёнғин бўлур жон ила тан
Ватан, Ватан, Ватан, Ватан.



Богинг кўриб мен бой бўлдим,
Доғинг кўриб ўртандим мен.
Сени Афғон элдан келган
Тобутлардан ўргандим мен.

Пушталарда қолиб кетган
Кўнглим жандирсан, Ватан.
Ёлғиз онам, паришонҳол
Синглим жандирсан, Ватан.

Мен кўксимда қундай ёнган
Ёдларга видо айтаман.
Ёмғирларингда кетаман,
Ватан, Ватан, Ватан, Ватан.

Кетавердим, Ён-веримдан
Қуёшли ҳар томонлари
Нурлар сочиб ўтаверди
Бу ўйларнинг айвонлари.

Ҳар кун кўриб, билиб,
сенга
Қайта-қайта етавергум,
Ватан, мангу армон
Ватан,
Айта-айта кетавергум.

Абдул Ғани Жума олган сурат-лавҳалар.

Xullas...

«ТАҚДИР ҲАЗИЛИ

ёки қушдай енгил бўлинг» бадиий фильмини кўргансиза?! Ухта шаҳрида яшовчи Н. исмли аёл хонадонида худди ана шу фильм сюжетидаги воқеа содир бўлди. Эрталаб уйқудан уйғонган бечора Н. уриндигида бегона эркак ухлаб ётганини кўриб ўтакаси ёрилди.

Аниқланишича, ухлаётган «даҳо» одатий ўғри бўлиб чиққан. У хонага кириб телевизорни ўғирлаган, ҳатто уни остонадан ташқарига чиқариб ҳам қўйган. Аммо кўзи графиндаги тиниқ «кайф сувига» тушиб, ундан уч-тўртта отиб олган. «Ишни битирдим, бироз дам олай, сўнг ўлжани олиб кетаман» деб уйлаб уриндиққа ёнбошлаган. Афсус, у тушида ўзи ўғирлаган телевизордан завқ билан кино кўраётганида миршаблар кайфини бузишди.

ИТ ҚЎРКДИ

Уфанинг кўп қаватли уйларидан бирида яшовчи болакай кечки сайрга ити билан чиқди. Ахлатхона олдидан ўтаётган зотдор ит Айка ниманингдир ҳидини «туйиб» ташландиқлар томон шошди. Болакай кўрсаки, Айка бир қанча пирог қолдиқларини паққос туширяпти. Оғзининг суви қочган болакай қўлига пишган гишт олиб, Айканинг бошига туширди. Рақибини хушсизлантиргач, пирог еб мазза қилди. Хабарларга қараганда, Айканинг жони қаттиқ экан, ўлиб қолмади.

ЯШАНГ ДЕҲҚОНЛАР

дейишмоқда Гомель вилояти миршаблар батальони ходимлари. Ярим ой давомида хўжаликларда ўтказилган «Деҳқонлар» операциясининг натижаларига кўра «майда» ўғирликлар учун тўлдирилган протокол қоғозлари минг донадан ошиб кетди. Деҳқонларнинг «самарали меҳнатлари» ҳосили ўлароқ, 177 жиноий иш қўзғатилди. Энг «муҳими» шундаки деҳқонлар давлат хазинасига 237 миллионни «қуртдек» санаб ташлашди. Тушган маблағлар (жиноят учун жарима деб ҳисобланмаганда) деҳқонлар «саховат»ини намойиш этмоқда.

ana shunaqa gaplar

ЭЪЛОН

Миробод туманидаги «Павел Буйлов» қурилиш-таъмирлаш кооперативи ТУГАТИЛАДИ. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида қабул қилинади.

Sport maydonchasi

КАРПОВНИНГ ИЗДОШЛАРИ

Яқинда Тошкент шаҳрида «Труд» газетасининг махсус соврини учун ўсмирлар ўртасида шахмат мусобақаси бўлиб ўтди. Унда жами 11 команда иштирок этди. Умумий ҳисобда Тошкент вилояти ёш шахматчилари биринчи, самарқандликлар иккинчи, қорақалпоғистонлик ёш спортчилар эса учинчи ўринларни эгаллашди. Шахсий ҳисобда эса, тошкентлик Иброҳим Ҳамроқулов ғолиб бўлди.

СПОРТ ГИМНАСТИКАСИ

Ушбу мусобақа ҳам Тошкент шаҳрида ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан келган юзга яқин ёш спорт гимнастикачилари ўз санъатларини намойиш этдилар. Қизлар мусобақасида биринчи ўрин фарғоналикларга насиб этди. Тошкент ва Самарқанд вилоятларидан ташриф буюрган гимнастикачилар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

КИКБОКСИНГЧИЛАРНИНГ «ЮРИШИ»

Хорватиянинг Дубровкин шаҳрида ўтказилган II жаҳон чемпионатида 43 мамлакатдан келган профессионал кикбоксингчилар иштирок этди. 71 килограммгача бўлган чапдастлар ўртасида ҳамюртимиз Олмос Юсупов олтин медални қўлга киритиб, Жаҳон чемпиони бўлди. Акбар Зокиров билан Владислав Резник бронза медаллари билан тақдирланишди.

МАРАДОНАНИНГ ФИКРИ

16-жаҳон чемпионатининг Россия-Италия саралаш учрашуви ўтказилди. Учрашув давомида қорнинг кўп ёғиши туфайли Москва аҳолиси ўз командасига кўнгилдагидек тарафкашлик қилолмади ва 1:1 ҳисоб қайд этилди. Иккинчи ўйин Италияда бўлади.

Марадона бу икки рақиб тўғрисида шундай деди: Италиядаги футбол юлдузлари Россияда топилмайди. Бас шундай экан, Италия, албатта, жаҳон чемпионатида қатнашиши шарт.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ОХИРГИ УЧРАШУВИ

Осиёнинг «Б» саралаш гуруҳида иштирок этаётган мамлакатимиз футболчилари эртага Бирлашган Араб Амирлиги терма командаси билан гуруҳдаги энг сўнгги учрашувини ўтказади. Ушбу командаларнинг дастлабки ўйинида араблар 3:2 ҳисобида ғалаба қилишганди. Абу Дабу стадионида ўтказиладиган иккинчи учрашувда бизникилардан Шквирин, Абдураимов, Маъруфалиев, Шарипов, Бугало, Шацких, Федоров ва бошқалар қатнашади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика таълим маркази раҳбарияти ҳамда жамоаси «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими ходимлари Республика таълим маркази «Маънавият ва қўшимча таълим» бўлими етакчи методисти Ф.Содиқовга онаси Нафисахон ШОКИРОВА вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи муовини Хўжамурод Чориевга онаси Ойлола момо вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Аҳмад ОТАБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6